XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 7 - avgust VI-56-93-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

“Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги ““Маҳалла” фонди республика бошқаруви, фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман ва шаҳар бўлинмалари ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил этиш тўғрисида”ги 213-ф-сонли фармойиши қабул қилиниб, Жамғарма маблағларини сарфлаш, тасарруф этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари асосида амалга оширилиши белгиланган.

Жамғарма маблағлари коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган шахсларга пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун ишлатилади.

Туманда сектор раҳбарлари тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда оилаларни, фуқароларни моддий аҳволини ўрганиб ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд оилалар рўйхати ва уларга берилиши керак бўладиган маблағлар, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар ҳажмини шакллантириб, йиғилган маълумотларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тақдим қилади.

Юқоридагиларга кўра, “Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак”

жамғармалари маблағларини мақсадли ва манзилли сарфлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 213-ф-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Ғаллаорол тумани ҳокимлигининг 2023 йил 26 июлдаги № 21-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. Ғаллаорол тумани ҳокимлигининг “Темир дафтар” жамғармаси ҳисобидан 34 800 000 (ўттиз тўрт миллион саккиз юз минг) сўм ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 130 945 000 (бир юз ўттиз миллион тўққиз юз қирқ беш минг) сўм, жами 165 745 000 (бир юз олтмиш беш миллион етти юз қирқ беш минг) сўм маблағларни иловага мувофиқ рўйхатдаги фуқароларга тақсимлаш юзасидан таклифи маъқуллансин.

3. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (А.Жумабоев)га “Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда сифатли ва арзон маҳсулотлар харид қилиш мақсадида амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб белгиланган тартибда салоҳиятли тадбиркорни танлаш учун тегишли танлов ўтказиш ва ғолиб тадбиркорлик субъекти билан шартнома имзолаш мажбурияти юклатилсин.

4. Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармасига юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**

Xalq deputatlari G‘allaorol tuman
Kengashining
2023-yil 7-avgustdagi
VI-56-93-3-45-K/23-son qaroriga
1-ilova

“Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш

ТАҚСИМОТИ

1. “Темир дафтар” жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- Ғўбдин қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Ханнонова Гулчеҳрага моддий ёрдам учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Кўкбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Зиётова Гулнорага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Қурбонова Махфузага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Дувланова Маликага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Кўкгумбаз маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Бахрамова Бувмаликага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Бахт маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Умарова Фарангизга истеъмол қилинган табиий газ ва электр энергиясидан ҳосил бўлган қарзини қоплаш учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Самарқанд маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Ахмуратова Саодатга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Олимлар маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Қаршибоева Зулхуморга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Қашқабулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Пармонов Акбарга даволаниши учун 16 000 000 (ўн олти миллион) сўм маблағни 2023 йил 14 февралдаги №8/02-2023-сонли шартномага асосан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ўтказиб бериш;

- Кўкбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Раббимова Дилобар Тўйчи қизига фарзандининг соғлигини тиклашида дори-дармонлар олиши учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм маблағни шартнома асосида “Улуғбек-Фаррух” фарм хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

- Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Назарова Холидага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Бахт маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Сатангова Гулнорага даволаниши учун 600 000 (олти юз минг) сўм;

- Молтоб қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Авазов З.га уй-жойини таъмирлаши учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм маблағни “Шинам улгуржи қурилиш” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

- Мирзабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Яркулов Бегзодга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Қипчоқсув қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Ўтамов Абдужалилга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

2. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- Бахт маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Юрсинова Чиннигул Тошпўлатовнага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Ғ.Ғулом маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Эргашев Жахонгирга уй-жойини таъмирлаши учун 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм;

- Қашқабулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дўстбекова Майрамга даволаниши учун 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм;

- Олимлар маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Қосимов Нормуродга моддий ёрдам учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Ғаллаорол туманида оғир турмуш шароитида яшовчи 202 нафар фуқароларга “Progress in Life” NTMда ўқиб, тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилишлари учун 21 210 000 (йигирма бир миллион икки юз ўн минг) сўм маблағни ўтказиб бериш;

- “Мирзо Улуғбек варислари” республика танловининг Ғаллаорол тумани босқичида иштирок этиб, энг юқори натижа кўрсатган 5 нафар иштирокчиларни рағбатлантириш учун 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм маблағ ажратиш;

- “Аёллар дафтари” рўйхатида турувчи кам таъминланган, яшаш шароити оғир бўлган, боқувчисини йўқотган фуқароларга уй-жой таъмирига шифер ва қурилиш маҳсулотлари олиш учун “Шинам улгуржи қурилиш” МЧЖ ҳисоб рақамига 28 785 000 (йигирма саккиз миллион етти юз саксон беш минг) сўм маблағни шартнома асосида ўтказиб бериш;

- Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Рахматуллаева Сайёрага даволаниши учун 1 000 000 (бир миллион) сўм;

- Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Исоқова Шодияга даволаниши учун 3 500 000 (уч миллион беш юз минг) сўм;

- Ғ.Ғулом маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Собирова Наргизага моддий ёрдам учун 1 000 000 (бир миллион) сўм;

- Ғўбдин қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Нарзуллаева Барнога даволаниши учун 4 000 000 (тўрт миллион) сўм;

- Қўйтош шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Анорбоева Ханифага моддий ёрдам учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Гулчамбар қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Бойтўраева Дилнозага моддий ёрдам учун 2 000 000 (икки миллион) сўм;

- Сарбозор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ўрозқулова Рахимага даволаниши учун 2 000 000 (икки миллион) сўм;

- Жийдали қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Мухаммадиева Дилнозага уй-жойини таъмирлаши учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм маблағни “Шинам улгуржи қурилиш” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

- Ғаллаорол туманида фаолият юритаётган 25 та фуқаролар йиғинида хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида ташкил этилган “Фитнес хона”ларини фитнес жиҳозлари билан таъминлаш учун 28 750 000 (йигирма саккиз миллион етти юз эллик минг) сўм маблағ ажратиш;

- Олимлар маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Атабоева Озодага моддий ёрдам учун 1 000 000 (бир миллион) сўм;

- Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Умирзоқов Билолга даволаниши учун 1 600 000 (бир миллион олти юз минг) сўм;

- Мирзабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Норбоева Ойгулга моддий ёрдам учун 1 000 000 (бир миллион) сўм;

- Мирзабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Мансурова Муяссарга моддий ёрдам учун 1 000 000 (бир миллион) сўм;

- Ғаллаорол туманидаги сайлов участкалари раисларига сайлов тадбирларини ташкиллаштиришда кўрсатилган транспорт хизматлари харажатларини қоплаб бериш учун 4 000 000 (тўрт миллион) сўм маблағни шартнома асосида “Маржон транс сервис” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;